

ҚОРАҚАЛАПОҒИСТОНДА РАНГТАСВИР САНЪАТНИНГ ИЛК РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Байбосинова Сэния Сарсенбаевна

Санъатшунослик фанлари буйича фалсафа доктори (Phd)

Қорақалпоғистон Республикаси

тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ишлар буйича директорнинг ўринбосари

Аннотация: Мазкур мақолада қорақалпоғистон ҳудудида бадий санъат ва тасвирий санъатнинг ривожланиши илк қадамлари. Рус рассомларинг қорақалпоғистон ҳудудига экспедицияга келиб ижод қилиши, ўларнинг маҳаллий ёш рассолмар, хаваскор рассомлар ижодига бўлган таъсири. Шу билан бирга дастлабки маҳаллий рассомларнинг тасвирий санъат йўналиши бўйича таълим олишлари. Натижада тасвирий санъатнинг барча турларининг ривожланиши ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлари: санъат, маданият, археология, жанр, тасвир, безак, портрет, кулолчилик, рассом, реалистик, музей, коллекция, олим, театр, драматургия.

Аннотация: В этой статье представлены первые шаги в развитии искусства и изобразительного искусства на территории Каракалпакстана. Работа русских художников в экспедиции на территорию Каракалпакстана, их влияние на творчество местных молодых живописцев, художников-любителей. В то же время первые местные художники прошли обучение в области изобразительного искусства. Результат дает информацию о развитии всех видов изобразительного искусства.

Ключевые слова: искусство, культура, археология, жанр, образ, украшение, портрет, керамика, художник, реалист, музей, коллекция, ученый, театр, драматургия.

Abstract: This article presents the first steps in the development of art and fine arts in the territory of Karakalpakstan. The work of Russian artists on an expedition to the territory of Karakalpakstan, their influence on the work of local young painters, amateur artists. At the same time, the first local artists were trained in the visual arts. The result provides information on the development of all types of visual arts.

Keywords: art, culture, archeology, genre, image, decoration, portrait, ceramics, artist, realist, museum, collection, scientist, theater, drama.

XIX асрда Ўрто осие давлатлари маданияти ва санъати Рус олимлари томонидан урганила бошлайди. Шу жумладан Хоразм худуди ерларинихам ўргана бошлаган. Профессор, археолог олим С.П.Толстовнинг бошчилигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси аъзолари Қорақалпоғистон худудидаги маданий ёдгорликларни ўрганиш билан биргаликда тасвирий санъатига ҳам бефарқ бўлишмайди. Олимлар П.П.Иванов, Т.А.Жданко, Н.А.Баскаков, А.С.Марозова, Л.И.Ремпель, И.В.Савицкий ва бошқалар қорақалпоқ фольклорин, этнографияси, археологияси, санъат ва маданиятини ўрганиб бир қанча мақолалар ёзади. [1.3б] Қорақалпоғистонда маданиятнинг барча турлари ўз навбатида ривожланиб борган. Бунга мисол археологик илмий тадқиқодлар давомида топилган кулолчиқ буйимлари ва бошқа буйимларга тасвирларнинг туширилиши, ҳар қил фигурадаги майда пластиканинг топилиш ҳайкалторошлиқ санъатининг ривожининг наъмунаси ҳисобланади. Кейинги давр рассомлари улуғ ватандорлик урушидан кейин ижодлари янада ривожланиб борган. [2. стр 28] XIX аср охирига келиб Қорақалпоғистон табиати ва манзараси рус рассомларининг ижодига илхом бағишлайди. Экпедиция аъзоси Украиналик шоир ва рассом Т.Г.Чевченко ижоди давомида акварельдан бир қанча манзара жанрга мансуб асарлар яратган. Улар “Урга”, “Тупроқ ота”, “Аджибий”, “Орол денгизи буйи” деб номланган асарларни яратади. Асарларида шоирлик ва рассомлик лирикаси акс эттирилган. XIX аср охирида география экспедицияси билан келган рус рассомлари ҳам қорақалпоқ халқининг этнографияси урф одатларига бефарқ бўлмайдилар. Қорақалпоқ миллий қора уйи, балиқчилар овули, Устюрт ерлари манзараларини ўзларининг муй қаламлари билан асарлар яратади. [1.31-32бет]

1920-1930 йилларда Қорақалпоғистон тасвирий санъатида янги саҳифа ривожланиш бошланди. Адабиёт, театр, мусиқа, драмтургия тез ривожлана бошлаган. Тасвирий санъатнинг ривожланиши кеч уйғона бошлаган. 1930-1940 йилларда Ўрто Осиенинг бир қанча давлатларидан рассомлар келиб ижод қилтишга қарамасдан ривожланиш сустр эди.

Ҳозирги замон тили билан айтганда маълум бир асар яратишдан олдин қойда буйича бир қанча эскизлар яратилиши лозим. Лекин Қорақалпоғистонда халқ амалий санъати наъмуналари яъни асосан қора уй безаклари (оқ кур, қизил кур, ва.х.к), гилам, чини қопларни туқишда фойдаланиладиган анъанавий нақишларни аёл қизлар ҳеч қандай чизилма, эскизларсиз туғридан туғри тушириб туқиб кетишган. Бу ҳам алоҳида санъатнинг бир тури ҳисобланган. Заргарлар ҳар бир яратган буюмларининг ҳам чизмаларини чизишмаган. Ёғоч уймакор усталар яратган асарларига чизмалар чизишмаган. Лекин саноатнинг

ривожланиши таъсирида кундалик уй рузгорчилик учун тўқиладиган буюмлар, мисгарларнинг нақишли кумфонлари аста секинлик билан безаш учун сувинерларга айлана бошлаган. Археолог ва этногрф олимлар томонидан ўрганилган қорақалпоқ халқ амалий санъати, кулолчилик санъати, ҳайкалторошлик ва тасвирий санъат наъмуналари тупламада Москва ва Тошкент шаҳрларида кўргазмалар ташкил қилинди. Москва шаҳрида ўтказилган VIII Бутун дунё конгрессида қатнашган чет давлатлардан келган делегатлар Қорақалпоғистонга Нукус шаҳрига музей саёҳатини уюштиради ва санъатига қизиқиш уйғотади. [3.106-109 бет]

Тасвирий санъатга тухталиб ўтилганда асосан экседицияга келган рассолар таъсири асосида янги мактаб яъни қорақалпоқ миллий тасвирий санъат мактаби шакиллана бошлади. 1940-1950 йилларда Тошкент шаҳридаги П.Бенков номидаги рассомлик билим юртига Қорақалпоғистоннинг биринчи қалдирғочлари Қ.Сайпов, Қ.Бердимуратов, Ф.Мадгазин, Ж.Қуттимуратов, Қвонлар уқишга кетади. Ёш рассомлар уқиши давомида Ўзбекистонга Москвадан ташриф буйирган сайёҳ рассомлар Николаев (Усто Мумин), Волков, Курзин, Кашина, Рождественский, Карахан, Татевасян, Уфмицев, Бенков ва бошқа рассомлар ижоди билан яқиндан танишди. 1950 йиллардан бошлаб Нукус шаҳрида тасвирий санъат ривожлана бошлади. Хаваскор рассомлар Королев, Бирюков, Моргунов, Гринев, Ласьколар ижод қилишга келган. “Советская Каракалпакстан” газетаси редакциясига рассом Игнатъев келган. Мазкур рассомларга бошчилик қилиш Б.Н.Каменовга топширилди. Уларга Тошкентдан И.В.Кайдалов ҳомийлик қилган. Б.Н.Каменов театр рассоми бўлган. Бутун умрини театр безаги санъатига бағишлаган. Москва ва Тошкент шаҳридан келган театр рассомларидан театр безаги сирларини диққат билан ўрганган. Шу билан бирга қорақалпоқ миллий нақишларини диққат билан ўрганган. У биринчи бўлиб қорақалпоқ шоири Бердах Ғарғабай уғлининг портретини яратган. Ижоди давомида ёшларни санъатга қизиқтириш учун бир қанча ишларни амалга оширган. Масалан 1930 йилларда Тўрткул шаҳридаги клубда ёшларни йиғиб “Жонли газета” деб номланган кружок ташкил қилган. Ватандорлик урши даврида ҳам ижод қилишдан тухтумаган. Шу давирларда Қорақалпоғистонга ерхотин Ладур оиласи кучиб келган. Улар билан биргаликда қорақалпоқ тасвирий санъатини ривожлантириш ва янада бойитиш буйича режалар тузган. Ўзбекистон рассомлар Союзи Қорақалпоғистон бўлимини очишни режалаштирган. Лекин қандайдир сабабларга кўра Лодурлар оиласи Қорақалпоғистондан кўчиб кетишган. Шунга қарамасдан Б.Н.Каменов рассомлар Союзи очишга ҳаракат қилган. Театрда спектаклларнинг кўчма

концертларнинг кўплиги, рассом кадрларнинг этишмаслиги натижасида театрдаги ишдан вақти бўлмаётган рассомлар Союзи очишга улгимади. Сабаби хасталикка чалиниб бу дунёни тарк этади. Аммо 1956 йил Б.Н.Каменов бошчилигида қорақалпоқ рассомлари уюшмаси ташкил қилинган эди. Қорақалпоғистон рассомлар Б.Н.Каменов хаваскор рассом бўлишига қарамасдан Қорақалпоғистон тасвирий санъатининг ривожланишига, театр беағи санъатининг ривожланишига ўз ҳиссасин қўшган рассом ҳисобланади.

Қорақалпоғистонда 1955 йил рассомлик-ишлаб чиқариш устохонаси ташкил қилинади. Бу кейинчалик Ўзбекистон ССР рассомлик фонди таркибига ўтади. 1957 йил Тошкент шаҳрида қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтади. Мазкур декадага таёрларлик кўриш рассомларнинг бирлашишига сабаб бўлди. Рассомлар ўз ижодлари билан кўرғазмага қатнашди. Кўрғазмада Королев, Бирюков, В.Моргунов, Гринев, Ласько, Б.Н.Каменов, Ф.Мадгазин, И.Савицкий, ёш студент рассомлар Қ.Сайпов ва Қ.Бердимуратовларнинг асарлари қатнашди. Қ.Сайповнинг “Бозатау”, Б.Н.Каменов ва Ф.Мадгазиннинг “Муз остидан балиқ овлаш” каби картиналари ҳам қатнашди. Тошкентдаги П.Бенков номидаги рассомлик билим юртини биринчи бўлиб Ф.Мадгазин тугаллаб келди. [3.110-112 бет] Қорақалпоғистон худудида янгидан қурилишни бошлаган объектларнинг кўринишларини муй қалам ёрдамида кейинги авлодга тасвирларини қолдирди. Орол бўйида яшовчи халқнинг кундалик ҳаёти, балиқчилар овули, балиқчиларнинг кундалик ишлари, денгиз портларини келиб кетувчи кемалар, юк ташувчи кемалар, консерва заводи ҳақида, деҳқонлар, чорвадорлар ҳаётига бағишланган асарлар яратган. Натижада эса “Орол куйчиси” деган номга сазовор бўлди. Рассомнинг яратган асарларида ўзига ҳос колорид мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи (олдинги Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейи)да рассомнинг кўплаб асарлари сақланиб келмоқда. [4.21 бет] Музейда ташкил этилган Қатоғон қурбонларига бағишланган кўрғазмага Қорақалпоғистонда қатоғон қурбонлари бўлган инсонлар портретларини яратади. Ундан ташқари бугинги кунда музейнинг экспозициясига кўплаб асарлари номойиш этилган. Ижоди даврида Москва ва Тошкент шаҳрларида кўрғазмада қатнашади. Ҳаваскор рассомлар Ф.Мадгазиндан рассомлик сирларин ўрганган. Ҳаваскор рассомлар иккинчи жаҳон урши қатнашчилари Королев ўзи кўрган уриш майдонларини асарларида акс эттирди. Бирюков афишалар, плакатлар ишлашга кўпроқ қизиқган. В.Моргунов ижодида кўпроқ манзара жанрига тегишли бўлган асарлар акс этирилган. Гринев ва Ласьколар ҳайкалторошлик билан шуғилланишган. Гринев 1957 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўрғазмада қорақалпоқ классик

шоири Бердах Фарғабай ўғлининг бюсти билан қатнашган. П.Бенков номидаги санъат билим юртини тугаллаб келган ёш рассомлар Қ.Сайпов, Ж.Қуттимуратов, Квон, Т.Курязовлар Тошкент шаҳрига институтга ўқишга кетди. Т.Курязов Нукус шаҳрига қайтиб келмаган. Ж.Қуттимуратов институтни тугаллаб Нукус шаҳрига келиб ҳайкалторошликда ижод қила бошлайди. Унинг яратган асарларида лирик, эпик ва романтик образларни кўриш мумкин. Яратган ҳайкалторошлик асарларида аёллар образини она табиатга ҳиёслаб яратган. Унинг яратган асарларида реалликни кўриш мумкин. Бугинги кунда Ж.Қуттимуратовнинг кўплаб асарлари И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давоат санъат музейи коллекциясида сақланиб, экспозицияда кўргазмага қуйилган. шу даврда ҳаваскор ҳайкалторошлар Маткаримов ва Д.Торениязовлар ҳам халқ оғизаки ижодига суяниб афсонавий образларни яратган. [3.113-114 бет] Д.Торениязов ижодига мансуб ҳайкалторошлик асарлари бугинги кунда музей коллекцияларида сақланиб келмоқда. Мазкур рассомлар ваҳайкалторошлар Қорақалпоғистон тасвирий санъатининг ривожланишига давомийлигига ўз ҳиссаларини қушган. Ўлар яратган асарлар орқали уша давр тарихий воқеаларни, Орол денгизи тулқинлари, кемалар бандаргоҳларини, график асарлари орқали театрларда ва кўчма концертларнинг ташкил этилган мавзуларини, афишаларидаги композицияларини кўриш имконияти мавжуд. Тарихий афсонавий рассомлар ижоди билан таниши, ўларнинг яратган асарларини кўз қарашиғидай асараб, кўргазмаларда кўришда музейларинг хизматлари алоҳида.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙИХАТИ

1. А.Алламуратов “Қарақалпақстан искуствовосы тарийхы” Қарақалпақстан баспасы Нокис-1968 ж
2. Очерки истории Каракалпакской АССР т.1 Ташкент 1964
3. Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи архив ҳисоботи 1995 й